

ИЖОБИЙ ФИКР БИЛДИРИЛГАН АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«O'ZVAGONTA'MIR» АЖ бош директори

Ш.Х.Атаджановга (реквизитлари: 100060, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Элбек кўчаси 8 уй. Банк х/рақами 20210000904128872001, «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ, банк коди 00432, СТИР 203661294.

Биз, МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH» аудиторлик ташкилоти (реквизитлар: 140100, Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, 1-уй, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 26.02.2008 йилда берилган барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувини ўтказиш ҳуқуқини берувчи лицензия АФ №00121, 2007 йил 20 декабрда берилган 513-сон гувоҳнома, х/р 20208000503941081001 «Савдогар» банк Самарқанд вилоят филиали, код 00286, СТИР 202631355, ХХТУТ 84400, тел.(99891) 520-65-83, 520-64-48, Urazov-davlat@rambler.ru, UZBEKINVEST» ЭИМК томонидан 26.02.2017 йилдан 25.02.2018 йилгача бўлган давр учун берилган А 252623- сонли суғурта полиси) директори, аудитор Баймурадов Химмат Вайдуллаевич (сертификат № 05405, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) ва аудитор Бахриддинов Раҳмиддин Абдухалилович (сертификат № 05411, ЎзР Молия вазирлиги томонидан 20.08.2016 йилда берилган) 2017 йил 23 февралда мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича тузилган № Д-1 шартнома асосида

«O'ZVAGONTA'MIR» АЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

Бухгалтерия баланси, молиявий натижалар, пул оқимлари ва хусусий капитал тўғрисида ҳисобот шаклларида иборат 31 декабр 2016 йил ҳолатига молиявий ҳисоботларининг ишончлилигини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказдик.

Хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг жавобгарлиги

Хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ молиявий ҳисоботнинг тайёрланиши ва ҳаққонийлиги ҳамда ички назорат тизими учун жавобгардир.

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги

Аудиторлик ташкилотининг жавобгарлиги ўтказилган аудиторлик текширувига асосан ушбу молиявий ҳисобот юзасидан фикр билдиришдан иборат.

Биз, «**O'ZVAGONTA'MIR» АЖ нинг** илова қилинган молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказдик. Аудиторлик текшируви молиявий ҳисобот ва бошқа молиявий ахборотлар барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқлиги ва ҳаққонийлигини баҳолашдан иборат. Биз аудиторлик текширувини Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартларига мувофиқ ўтказдик. Ушбу стандартлар молиявий ҳисобот жиддий бузиб кўрсатишларга эга эмаслигига етарли даражадаги ишончга эга бўлишни таъминловчи аудиторлик текширувини режалаштиришни ва ўтказишни тақозо этади. Аудиторлик текшируви аудиторлик далилларини олишга йўналтирилган аудиторлик амалларини ўтказишни ўз ичига олади. Аудиторлик амалларини танлаш бизнинг мулоҳазамизнинг предмети ҳисобланади. Аудиторлик текшируви давомида олинган аудиторлик далиллари молиявий ҳисобот ишончлилиги тўғрисида фикр билдириш учун етарлича асослар беради деб ҳисоблаймиз.

Ижобий фикр

Бизнинг фикримизча хўжалик юритувчи субъект

«O'ZVAGONTA'MIR» АЖ нинг

(хўжалик юритувчи субъектнинг номи)

2016 йил 31 декабрь ҳолатига аудиторлик текшируви маълумотлари асосида тузилган молиявий ҳисоботи барча муҳимлилик жиҳатлари бўйича унинг молиявий ҳолатини ва молиявий-хўжалик фаолияти натижаларини ҳаққоний ақс эттиради ва бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ келади.

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»

аудиторлик ташкилоти директори

МЧЖ шаклидаги «KOMIL-ISHONCH»

аудиторлик ташкилоти аудитори

Баймурадов Х.В.

Бахриддинов Р.А.

2017 йил 29 апрель

